

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИДА ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ ЎРНИ

*Жиззах давлат педагогика институти
тарих факультети ўқитувчиси
А.Ш.Эшмуҳаматов*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Жиззах воҳасида қадимдан шаклланган анъанавий хўжалик юриштишнинг кўчманчи ва ярим кўчманчиликка хос бўлган яйлов чорвачилиги ҳамда кўчманчиликнинг меридионал, вертикал ва стационар шакллари кўчманчиликнинг қисқача таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Чорва, меридионал, вертикал, стационар, ярим кўчманчи, чўл, дашт, адир, тоғ ва тоғ олди, яйлов, қўй, эчки, қорамол.

МЕСТО ПАСТБИЩНОГО СКОТОВОДСТВА В ТРАДИЦИОННОМ ХОЗЯЙСТВЕ НАСЕЛЕНИЕ ДЖИЗАКСКОГО ОАЗИСА

*Джиззакский государственный педагогический институт
Учитель истории
А.Ш. Эшмухаматов*

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализированы вопросы пастбищного скотоводства в традиционном хозяйстве кочевого и полукочевого населения джиззакского оазиса, меридионального, вертикального и стационарного формы передвижения кочевников.

Ключевые слова: Скотоводства, меридиональный, вертикальный, стационарный, кочевой, полукочевой, пустыня, степь, холм, гора и горный хребет, пастбища, пастух, стадо, лошадь, верблюд, овца, коза, крупный рогатый скот.

THE ROLE OF PASTURE LIVESTOCK IN THE TRADITIONAL FARMING OF THE POPULATION OF JIZAK OAKH

*Jizzakh State Pedagogical Institute
Teacher at the Faculty of History
A.Sh.Eshmuhamatov*

ANNOTATION

This article provides a brief analysis of the nomadic and semi-nomadic pastoralism of traditional farming in the Jizzakh oasis, as well as meridional, vertical and stationary forms of nomadism.

Keywords: Cattle, meridional, vertical, stationary, nomadic, semi-nomadic, desert, steppe, hill, mountain and mountain range, pasture, shepherd, herd, horse, camel, sheep, goat, cattle.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бебаҳо миллий қадриятлари тикланиб, уларни ўрганиш ва холис баҳолаш имконига эга бўлди. Ўлкамизда ўзига хос урф одатларни сақлаб қолган ва этнографик объект сифатида ҳали яхши ўрганилмаган минтақаларидан бири Жиззах воҳаси ҳисобланади. Жиззах воҳаси табиий шароити қадимдан аҳоли хўжалик маданиятини юритиши учун ҳар томонлама қулай бўлган.

Туркистон тоғлари ва унинг шимолий ёнбағирларига туташ даштликлар ҳар хил ўсимликларга бой бўлиб, бепоён чўлликларга туташиб кетган. Қулай иқлим, ўсимликлар дунёсининг мўллиги ва ранг-баранглиги кенг яйловларнинг пайдо бўлишига, бу эса ўз навбатида чорвачилик ривожига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган. Воҳада ўсимликлар дунёси иқлим шароитига қараб ва юқорига кўтарилиб бориши бўйича қуйидагича жойлашган: чўл, адир, тоғолди ва тоғ яйловлари.

Чўл типдаги иқлимда ўсадиган ўсимликлар асосан кам миқдорда тушадиган ёғинларнинг намлигидан озикланади. Чўл яйловлари қўй ва туялар учун йил бўйи, бошқа чорва турлари учун фақат баҳорда яйлов вазифасини ўтайди. Адирлар денгиз сатҳидан 400-800 метргача бўлган баландликка тўғри келади. Бунда чўлда ўсимликлар қовжираган бир пайтда хилма-хил табиий ва маданий ўсимликлар дунёси чорва боқиш учун кейинги босқичга ўтиш имконини берган. Моргузар ва Нурота тоғлари (ўртача баландликдаги) денгиз сатҳидан 800-1000 метрдан 2000-2700 метргача юқорида жойлашган. Тоғнинг қуйи қисмида юқори адирларда ўсадиган ўсимликлар, баланд қисмида эса намгарчиликка мослашган бутазорлар (наматак, дўлана, зирк, учқат ва б.) баргли ўрмонлар (ёнғоқ, тоғ олча, бодом, аччиқ бодом, олча, олма, писта, олмурут, қайроғоч), қисман арчазорлар бири-бирига уланиб кетган ва серўт тоғ ўтлоқлари ва бутазорлари кенг тарқалган.

Воҳа чорва молларининг катта қисми ёз фаслида тоғ яйловларига ҳайдалган. Денгиз сатҳидан 2500-2700 метр баландликда яйловлар (баланд тоғлар) бўлиб, бу ердаги турли-туман алп ўтлоқларида (арча, заранг, учқат, ирғай, олмурут, қораталоқ ва бошқалар) ўсган. Бу эса чорвачилик хўжалигини чўл, дашт ва тоғ яйловларида алмашлаб боқиш орқали тез тараққий эттиришга имконият яратган. Жиззах вилояти ҳудудининг жанубий ва ғарбий томонлари тоғ ва тоғолди минтақаларидан иборатлиги, овчи ва кўчманчи чорвадор халқлар яшаши учун қулайлик туғдириб, бу эса воҳада аҳоли турмуш тарзида чорвачиликни ривож топиши учун қулай замин яратган.

Олимларнинг таъкидлашича, географик муҳит (тупроқ, рельеф, ўсимлик дунёси, табиати, иссиқлик ва шу кабилар)га хос хусусиятлар этнос маънавий маданиятини шаклланишига, унинг руҳиятига ҳам маълум маънода таъсир қилади. Бу эса шубҳасиз халқларга хос миллий хусусиятларда, урф-одатларда, расм-русумларда намоён бўлади [1:116]. Шу жиҳатдан олиб қараганда Жиззах воҳасининг тоғолди ва тоғ ҳудудларида чорвачилик, лалми деҳқончилик ва боғдорчилик ривожланган [2:11]. Чорвани кўпайтириш, боқиш ва асраш учун яйловлардан мавсумий тарзда кўчиб – экстенсив фойдаланиш самарали эди. Бу тарзда хўжалик юритган чорвадорлар деҳқон

хўжаликлари билан солиштирганда чорванинг тезда кўпайиши ҳисобига тез бойиб кета олган.

Чорвани бир жойдан иккинчи жойга алмашиб – кўчиб боқилишида дашт, чўл ва саҳроларда озуқа бўладиган емиш-ўт ўланларнинг мавсумийлиги, ичимлик сув захираларининг мавжудлиги, уларнинг жойлашув географияси муҳим ҳисобланган. Чорва молларининг тури эса (ўтроқ воҳада ер ва сувга қараб нима экилгани каби), ҳар бир минтақа ва ундаги яйловларнинг ўзига хос, табиий хусусияти билан боғлиқ бўлган. Кўчишлар асосан қулай, ўт-хашакка бой сувли воҳалар бўйлаб кечган.

Ўрта Осиёда табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда чорвачилик хўжалигининг икки хил шакли: кўчманчи ва ярим кўчманчилик мавжуд бўлган. Тадқиқотчи С.П. Поляковнинг таъкидлашича, Ўрта Осиёда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачиликнинг меридионал, вертикал ва стационар шакллари мавжуд бўлган” [3:25]. Жиззах воҳасида чорвани сақлашнинг юқорида санаб ўтилган барча хили мавжуд бўлсада, яйлов чорвачилиги, яъни ярим кўчманчилик кенг оммалашган. Тадқиқотчи Ф.Э. Тошбоевнинг ёзишича, воҳадаги меридионал кўчувчилар қишни қулай тоғ водийларида, яъни ўзларининг қишловларида ўтказган. Баҳор келиб, кунлар исиши билан чорвани ҳайдаб, ўз қишловларидан шимолга ёки Сирдарёнинг қуйи ва юқорисига қараб, ёзги яйловларига томон ҳаракатлана бошлаганлар. Ёз бўйи ҳайдаб боқиб семиртирилган чорва кузда қишловга томон яна қайтарилган [4:50]. Меридионал кўчиб хўжалик юритиш Мирзачўл чўлларида яшаган қозоқлар учун тааллуқли бўлиб, XX асрнинг 50-60 йилларида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши билан кескин қисқарган ва ўз фаолиятини қисман Фориш туманининг Қизилқум чўлларида туташ даштликларидагина сақлаб қолган.

Вертикал кўчувчилар Жиззах воҳасининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолиси хўжалик юритишига хос ҳисобланади. Улар баҳор келиши билан чорвани тоғларга ҳайдаб, кузда яна пастга, тоғ водийларидаги қишловига тушиб келганлар ва шу ерда қишлаган [4:50]. Мазкур усулда чорва йил давомида мавсумий яйловлар (тоғ – текислик) шаклида ҳайдаб боқилган, чорва асосан чўпонларнинг назорати остида бўлган. Бу усул кўпроқ ярим кўчманчи (ярим ўтроқ) аҳолига тегишли бўлиб у яйлов чорвачилиги дейилади. Улар хўжалигида кўйлар чорванинг асосини ташкил этган. Хўжалик юритишнинг бу шаклида мавсумий яйловлардаги ўсимликлар авжига боғлиқ ҳолда баъзи хонадон вакиллари қишлоқларидан ўз яйловларига қараб кўчганлар. Қишда чорвадорлар ўзларининг (ҳозирги пайтда қишлоқларининг) водийдаги қароргоҳлари (ёки уйлари)да қишлаб, атрофдаги яйловлар ва заҳира озуқалар билан чорвани қишдан чиқарганлар.

Бу усулда ушоқ моллар ва қора моллар эрта баҳорда адирларда боқилган. Апрель, май ойларидан чорва қишлоқ атрофидаги экин майдонларидан узоқроққа, тоғ томонга олиб кетилган. Аҳолининг маълум қисми эса чорва орқасидан кўчиб чиққан. Бунда, ёзги яйловларга чўпон ўз оиласи билан кетган. Оиланинг баъзи эркак аъзолари ёз мавсумида қишлоқда қолишиб экинларга қараган, қишга ем-хашак йиққан, лалми дехқончилик билан ҳам шуғулланган. Чорванинг бундай боқиш тартиби экинларнинг

пайхон бўлмаслигини кафолатлаган ва узоқ яйловлардан унумли фойдаланиш имконини берган [3:51]. Чунки, ёзда қишлоқ ва унинг атрофидаги ерлар экинлар билан банд бўлган ва бу пайтда чорвани боқиш учун яйловлар етишмаган. Ёзда қишлоқда фақат сут берадиган молларгина қолдирилган. Бу турдаги хўжалик юритиш шакли воҳанинг Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш ва Ш.Рашидов туманларининг тоғ олди минтақаларига хос ҳисоблансада, ҳозирдар хўжалик юритишнинг бундай шакли замон таракқиёти туфайли кескин камайиб бормокда.

Воҳада кенг ёйилган чорвачилик шаклларида яна бирини стационар кўчувчилар ташкил қилиб, улар минтақанинг кўпроқ дехқончилик воҳаларига яқин ҳудудларида кенг ёйилган. Уларда яйлов чорвачилигининг ҳайдов усули кенг ёйилган. Бунда чорва молларини боқишнинг икки хил усули мавжуд. Биринчиси, чўпонларга чорвани бериб қишлоқ атрофидаги яйловларда кунлик (эртадан кечгача) боқтириш, иккинчиси, асосан чорваси кўп хонадонларнинг ўз молларини тоғ яйловларида боқиши учун чўпонларга бериб юбориши. Улар чорвасининг асосини ушоқ моллар (қўй, эчки) ва қора моллар ташкил этади. Чорва қишлоққа қарашли доимий яйловлар ва қишлоқлар атрофида экиндан бўшаган ерларда чўпонлар томонидан боқилган. Маҳаллий аҳоли эса бу пайтда асосан давлат ишлари ва уйдаги хўжалик юмушлари билан шуғулланган.

Жиззах воҳасида чорвачиликнинг кўра (оғил) яйлов усули кенг оммалашган бўлиб, бугунги кунда вилоят чорвадорларининг катта қисми шу усулда чорвасини сақламокда. Бу асосан ҳозирги пайтда тўлиқ ўтроқлашган аҳоли яшаш тарзига тааллуқли бўлиб, ундан чорва учун яйлов етарли бўлмаган жойлардагина фойдаланилади. Уй шароитида сақланадиган чорва эрта тонгдан ҳайдаб кетилади, кеч кириши билан қишлоққа қайтариб келинади. Чорва асосан қўлда озиқлантирилади. Бугунги кунда аҳоли орасида уй чорвачилиги ҳам кенг ёйилмокда. Унда чорва молларининг нафақат сонига, балки наслига ҳам алоҳида эътибор берилади. Чунки қишлоқларда яшовчи кўпчилик аҳоли учун чорвачиликнинг ушбу тармоғи озиқ-овқат манбаи эмас, балки асосий даромад манбаига айланган. Хўжаликлар учун уй шароитида бўрдоқига кўчқор ва бука боқиш, соғин сигирлар сонини кўпайтириш йилдан йилга кўпроқ даромад келтирмокда. Бундай усулда кўп бўлмаган чорва далаларга ва яйловларга доимо чиқарилмаган ҳолда аксари уй шароитида боқилади.

Жиззах воҳасида яшаган аҳолининг юқорида санаб ўтилган барча чорвачил хўжалигига хос боқиш усулларни яйлов чорвачилиги деб аташ мумкин. Мазкур усулда чорванинг асосини қўйлар ташкил этса-да, туя ва йилқичилик ҳам яхши ривожланган. Аҳолининг чорваси йил давомида мавсумий яйловларда боқилган. Чорвадорлар ҳам чорванинг орқасидан бир яйловдан иккинчи яйловга кўчиб юрган. Баланд тоғ минтақаларида яшовчи қирғизларнинг чорвасида йирик (от, туя, қорамол) ҳайвонлар кўпчиликини ташкил этган бўлса, тоғда яшовчи турклар, воҳа ўзбек қабилалари (қирқ, юз ва сарой ва ҳ.к.лар) ва қозоқларнинг чорвасида қўйлар кўпроқ боқилган. Шунингдек, даштнинг ҳолатига қараб қорамол ҳам сақланган.

Агар воҳа чорвачилиги тарихида меридионал ва вертикал кўчувчилар учун ер-яйловлар қимматли ҳисобланган бўлса, иссиқ иқлимли дашт аҳолиси учун ер, яйлов унчалик аҳамият касб этмаган. Чунки дашт ва чўлли яйловлар улкан бўлсада, ўт-ҳашак озукаси мўл бўлмаган. Шунинг учун уларда яйлов танқислиги эмас, балки сув муаммоси катта аҳамиятга эга бўлган [4:51]. Воҳада чорва сувлай оладиган яйловлари бор жойлар ҳаминша қимматли ҳисобланган.

Воҳада чорвачилик хўжалигининг етакчи соҳи ҳисобланганлиги янги даврга оид тарихий ёзма манбаларда ҳам эслатилади. В.Ф. Караваевнинг XX аср бошларига оид кундаликларида Туркистон ҳудудига русларнинг келиши арафасида, Сирдарё соҳилларида ўзбек, қирғиз ва қозоқларнинг қишки овуллари мавжуд бўлганлиги, бу кўчманчи чорвадор аҳоли баҳор ва ёз ойларида тоғ атрофидаги яйловларга кўчиб кетиб, кузда эса яна қишловлари томон қайтиб келиши ва кенг яйловлар эгаси эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилади [5:73]. XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах воҳасида қанча чорвадор мавжуд бўлганлиги ҳамда уларнинг хўжалигида мавжуд бўлган чорва молларининг умумий сони айрим архив ҳужжатлари ва этнографик тадқиқотлар натижасида аниқланмоқда. Мисол учун, этнографик тадқиқотлар натижасига кўра, Жиззах воҳасининг Қора-Қишлоқ (Бахмал тумани, ҳозирги Ўсмант шаҳарчаси. А.Э.) да истиқомат қилган Дўсмант мингбоши деган шахснинг 40 000 та кўйи мавжуд бўлган [6:87].

Сурхон воҳаси хўжалиги бўйича тадқиқотлар олиб борган Э.Қобуловнинг таъкидлашича, XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида чорвачиликда қоракўл терилари асосий даромад манбаи ҳисобланиб, ташқи савдода юқори баҳоланган [7:166]. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари қаторида Жиззах воҳасида ҳам қоракўл кўйлари етиштирилиб, улар асосан Фориш туманининг Қизилқум чўлларида туташ чўлликларида боқилган.

XX аср бошларида воҳада истиқомат қилган аҳоли кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ ва ўтроқлашган ҳолда фаолият юритган. Ўтроқ аҳоли чорвачиликни деҳқончилик билан бирга қўшиб олиб борган, улар ҳаётида деҳқончилик етакчи ўрин тутган, ярим ўтроқ аҳоли хўжалигида эса деҳқончилик чорвачилик билан қўшиб олиб борилган ва бунда чорвачилик етакчилик қилган. Кўчманчи ва ярим кўчманчилар хўжалигида эса чорвачилик асосий ролни ўйнаган. XX асрнинг 30-йилларигача кўчманчи-чорвадорлар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этиб, чорвачилик Жиззах воҳасида етакчи хўжалик тармоқлардан бири ҳисобланган.

Бироқ, ўтроқ аҳоли ҳам ўз хўжалигида чорва молларини асраган. Унг биринчидан, деҳқончилик учун ер ҳайдашда, хирмон янчишда, тегирмон тортишда, жувозларни юргизишда, транспорт (улов) вазифасини бажаришда чорва моллари – от, хўкиз, туя ва эшаклардан фойдаланилган. Иккинчидан, деҳқон оилаларини жун, тери, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари билан чорва моллари таъминлаган. Учунчидан, деҳқон ерга қадаган экин ҳосилдорлигини оширишда кўй, сигир ахлати (гўнг)ги ўғит вазифасини бажарса, чорванинг ўзи даладаги кечроқ чиқадиган бегона ва дағал ўтларни кўпайиб кетишини

олдини олган. Қолаверса, чорвачилик маҳсулотлари воҳанинг ички ва ташқи савдосида асосий товар вазифасини ўтаган.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах воҳасида чорвачилик хўжалиги кадимдан ривожланиб келган. Табиий шароитдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар томонлама қулай шарт-шароитларнинг борлиги воҳада чорвачиликнинг кенг ва кўп тарқалишига сабаб бўлган. Воҳада кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачиликнинг меридионал, вертикал ва стационар шакллари мавжуд бўлиб уларнинг барчасида яйлов чорвачилигига хос хўжалик маданияти шаклланган эди.

Адабиётлар:

1. Аширов А, Атажанов Ш. Этнология. Т. 2006. -Б. 116.
2. Ҳайдаров Ҳ.Ҳ. Жиззах вилояти тарихи. Т. Меҳнат, 1996. -Б. 11.
3. Поляков С.П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. – М.: МГУ. 1980. – С. 25.
4. Тошбоев Ф.Е. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти. Тошкент, «Тафаккур қаноти», 2014. - Б. 50-51.
5. Караваев В. Ф. Голодная степь в её прошлом и настоящем. Статистико – экономический очерк . – Спб.: Литография Н.Л. Наръекина, Петербург, 1914. –С. 73.
6. Базарбаев А. Жиззах воҳасида яйловлардан фойдаланиш масаласи (XIX аср охири – XX аср бошлари). “Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)”. Гулистон 2016. - Б. 54., Шаниязов К. Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. - Ленинград, 1973. - С. 87.
7. Қобулов Э. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Т.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Термиз. 2014. –Б. 166.